

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат шарқшунослик университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги З65 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган расмий меъёрий-услубий хужжат хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

МУНДАРИЖА

	бет
Т/п	
1. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Кўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	5
2. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар	6
2.1. Умумий компетенциялар	6
2.2. Касбий компетенциялар	6
Библиографик маълумотлар	7
Келишув вараги	8

I. 61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби **61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўйими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) – “Хизмат кўрсатиш соҳаси” таълим соҳасидаги йўналиш бўлиб, битирувчиларнинг касбий фаолият обьекти- истеъмолчилар (индивидуал ёки корпоратив мижозлар), уларнинг эҳтиёжлари, туристик маҳсулот, туристик хизматларни тақдим этишнинг технологик жараёнлари, интеллектуал фаолият натижалари, мулкчилик ёки бошқа қонуний асосларда туризм соҳаси субъектларига тегишли бўлган номоддий активлар, турар-жой бинолари, умумий овқатланиш жойлари, экскурсия фаолияти обьектлари, транспорт воситалари, туризм саноатининг бошқа корхоналари ва туризм маҳсулотини ишлаб чиқиш ва сотиш билан боғлиқ жараёнлари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасидан иборат.

1.2.2. 61010400- Туризм (фаолият йўналишлари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги;
- вазирликлар, давлат кўмиталари, ҳокимликлар ва бошқа давлат идоралари, муассасаларининг иқтисодий бошқарма ва бўлимлари;
- халқаро иқтисодий ташкилотлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлардаги ваколатхоналари ва халқаро иқтисодий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари;
- иқтисодиёт ва бизнес йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасалари;

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникулари;

- турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, давлат муассасалари, мамлакат ва халқаро фаолият билан боғлик бўлган нодавлат ва давлат тизимлари;

- таржимонлик фаолияти;

- ихтисослик соҳасига оид бошқа ташкилотлар.

1.2.3. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

• ташкилий-бошқарув;

• ишлаб чиқариш ва технологик;

• хизмат кўрсатиши;

• илмий-тадқиқот;

• педагогик (умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникуларда)

1.2.4. 61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари

61010400- Туризм (фаолият йўналишилари бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий- бошқарув фаолиятида:

- сайёхлик компаниясини бошқариш ва сайёхлик хизматларини кўрсатишни ташкил этиш;

- туризм компаниясининг кадрлар билан ишлашини ташкил қилиш;

- туризм бизнесини замонавий усуллар асосида бошқариш;

- хорижлик сайёхларнинг Ўзбекистонда ва ўзбекистонлик сайёхларнинг хорижда хордик чиқаришларини ташкил этиш;

- саёҳат маркетинги билан шуғулланиш;

Ишлаб чиқариш ва технологик соҳада:

- туризм соҳасини стандартлаштириш ва сертификатлаш;

- халқаро ва ички туризм соҳасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлиш;

- меҳмондўстлик ва ижтимоий-маданий соҳаларда фаолият кўрсатиш;

- туризм ва меҳмонхона бизнесини ташкил этиш малакасига эга бўлиш;

- ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидаги тадбиркорликнинг ташкилий-хукукий асослари ва шакллари, молиявий, хукукий ва солик стандартларини билиш;

- туризм ва меҳмондўстлик соҳасидаги халқаро хукук асосларини билиш; замонавий бизнес жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш;

Хизмат кўрсатиш соҳасида:

- ижтимоий ва маданий хизматлар ва туризм бозорини шакллантириш ва ривожлантириш учун шароитларни ташкил этиш;

- мижозлар (истеъмолчилар) сўровлари билан ишлашини ташкил этиш;

- мижозларнинг (истеъмолчиларнинг) ижтимоий-маданий ва туристик хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- ижтимоий-маданий хизматлар ва туризм мижозлари (истеъмолчилари) учун комплекс хизматлардан фойдаланиш;

- касбий этика ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш;

- шахслараро алоқа тизимини шакллантириш усуллари ва усулларини билиш;

- маълумотлар базалари, ахборот тизимлари, оргтехника билан ишлаш;

- ижтимоий-маданий ва туристик фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш;

Илмий-тадқиқот фаолияти:

- туризм фаолиятидаги хорижий ва маҳаллий тажрибаларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- илмий семинарлар, илмий конференциялар ишида маъruzачи, мухокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;
- илмий ҳисботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибидан касбий фаолият масалаларини ечиш;

Педагогик фаолиятида (мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари ва техникумларида):

- мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим тизими муассасалари ҳамда профессионал таълим муассасалари ва техникумларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари ҳамда ўрганилган шарқ ва ғарб тилларидан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиши;
- ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиши учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирудан натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар бўйича ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. 61010400- Туризм (фаолият йўналишига бўйича шарқ тиллари билан) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, саклаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;
- туризм соҳасида профессионал вазифаларни бажариш усулларини аниклаш, уларнинг самарадорлиги ва сифатини баҳолаш, ноодатий ҳолатларда хавфларни баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш, касбий муаммоларни ҳал қилиш ва ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни излаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиш;
- мижознинг эҳтиёжларини аниклаш ва таҳлил қилиш, энг яхши туристик маҳсулотни танлаш, туристик маҳсулотлар ва уларнинг тавсифлари бўйича маълумотлар базасини тузиш ва таҳлил қилиш, туроператорларнинг мавжуд таклифларини маркетинг қилиш; туристик маҳсулотни тақдим этиш, туристик маҳсулотларни сотиш учун буюртманинг ҳужжатларини расмийлаштириш, туристик маҳсулотни сотиш учун зарур бўлган шаклларни (шартнома, илова) расмийлаштириш; визага мурожаат этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини олиш учун истеъмолчига хорижий давлатлар консуликларининг талаблари тўғрисида тўлиқ ва замонавий маълумотларни тақдим этиш;
- мижозлар сўровлари билан ишлаш, маълумот материаллари билан ишлаш; Ўзбекистонлик ва хорижий мижозлар учун туристик дастурларни тузиш, турар жой, овқатланиш, транспорт ва экскурсия хизматлари нархини ҳисоблаш, агентлик шартномалари билан ишлаш, каталоглар ва нархлар бўйича буюртмалардан фойдаланиш, саёҳат

хизматларини брон қилиш учун буюртмалар билан ишлаш, мижозлар билан хорижий шарқ вағарб тилларда самарали мулокот қилиш усулларидан фойдаланиш, туристик хизматлар бозорида туристик маҳсулотни реклама қилишни ташкил этиш;

- асосий ўрганилаётган шарқ тилини ўзлаштириш дарражаси “A1 бошланғич” босқичидан бошлаб “B2 тилни мустаҳкам эгаллаш ва эркин мулокот қила олиш” босқичигача бўлган кўнкималар доирасидаги билимларни камраб олиш;

- ўрганилган шарқ ҳамда ғарб тилларида ахборот таҳлилини олиб бориш, шунингдек, таржима ва иқтисодий масалалар бўйича объектив консалтинг хизматларини бажариш кобилиятини шакллантириш;

- иқтисодга оид фанларни ўқитиш методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти каби тамоиллари;

- касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ва ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини хисобга олган ҳолда ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, туризм, туристик обьект, турист, турмаҳсолот, тур пакет, турагентлик, туроператор, меҳмонхона, экспурсия, гид, ҳалкаро туризм, зиёрат туризми, тадбирлар ташкил этиш, ресторон бизнеси, кейтеринг, мижоз, буюртма, эко туризм, алътернатив туризм, аэропорт, транспорт, нарх, рекама, суғурта трансфер, чипта, бизнес-класс, дengiz, чартер, брон, ваучер, яшил коридор, индивидуа тур, туризм модели, турзм турлари, ҳаво йўллари, темир йўллар, ички туризм, инфратузилма, круиз, овқатланиш, спа, регистрация картаси, сафари, чегирма, форс-мажор, хостел, истеъмолчи ҳулки, меҳмонхона бошқаруви, туризм маркетинги, туризм менежменти, лойиҳалаштириш, прогнозлаштириш, сертификатлаштириш, туризм даромадалари, туристик оқим, фортуна, йўловчи, транзит, анимация, етказиб бериш, туристнинг хукуки, саёҳатчи, туристик дестинациялар, ваучер, туризмда логистика, туризмда акция, туризмда бошқарув, ракамли туризм, тарихий обидалар, макроминтақалар, туризм географияси.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Ректор

Г.Ш.Рихсиева



2021 йил « 18 » 08

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министрлари
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор в.б.

М.Эсанов

2021 йил « 18 » 08

Ўзбекистон халқаро ислом академияси



Ректор в.б.

М.Комилов

2021 йил « 18 » 08

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва
спорт вазирлиги



Вазир Ўринбосари

А.Аккулов

2021 йил « 18 » 08

Тошкент давлат иқтисодиёт
университети



Ректор

К.Шарипов

2021 йил « 18 » 08